

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ  
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.24/2026.31.01.Yu.01.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОДИЛ СУДЛОВ АКАДЕМИЯСИ**

**ПЎЛАТОВ АЗИЗХОН САИДАКБАРОВИЧ**

**ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ГУВОҲ ИНСТИТУТИНИНГ ГЕНЕЗИСИ,  
ҲОЛАТИ ВА УНИНГ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-қидирув ҳуқуқ ва суд экспертизаси

**юримдик фанлар доктори (Doctor of Science in Law) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2026**

**Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации докторской (DSc)**

**Contents of the abstract of the Doctoral (DSc) dissertation**

**Пулатов Азизхон Саидакбарович**

Жиноят процессида гувоҳ институтининг генезиси, ҳолати ва унинг  
ривожлантириш истиқболлари ..... 3

**Пулатов Азизхон Саидакбарович**

Генезис, состояние и возможности развития института свидетеля в уголовном  
процессе ..... 29

**Pulatov Azizkhon Saidakbarovich**

Genesis, state, and development possibilities of the witness institution in criminal  
proceedings ..... 57

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 62

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ  
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.24/2026.31.01.Yu.01.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОДИЛ СУДЛОВ АКАДЕМИЯСИ**

**ПЎЛАТОВ АЗИЗХОН САИДАКБАРОВИЧ**

**ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ГУВОҲ ИНСТИТУТИНИНГ ГЕНЕЗИСИ,  
ҲОЛАТИ ВА УНИНГ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-қидирув ҳуқуқ ва суд экспертизаси

**юримдик фанлар доктори (Doctor of Science in Law) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2026**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2024.1.DSc/Yu301 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Ўзбекистон Республикаси Хуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.proacademy.uz](http://www.proacademy.uz)) ва “ZiyoNET” Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи :**

**Мухитдинов Фахритдин Мухитдинович**  
юридик фанлар доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Тўлаганова Гулчехра Захитовна**  
юридик фанлар доктори, профессор

**Астанов Истам Рустамович**  
юридик фанлар доктори, профессор

**Баракаев Лазизжон Отақулович**  
юридик фанлар доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар  
вазирлиги Академияси**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Хуқуқни муҳофаза қилиш академияси хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.24/2026.31.01.Yu.01.02 рақамли илмий Кенгашнинг 2026 йил 02 июль куни соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент ш., Юнусобод тумани, Рихсий кўчаси, 9 уй. Тел.:(+99871) 202-04-96; e-mail: [info@proacademy.uz](mailto:info@proacademy.uz)).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Хуқуқни муҳофаза қилиш академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (84-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент ш., Юнусобод тумани, Рихсий кўчаси, 9 уй. Тел.: (+99871) 202-04-96).

Диссертация автореферати 2026 йил 16 июнь куни тарқатилди.  
(2026 йил 16 июндаги 02-рақамли реестр баённомаси).

**В.Каримов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

**Ш.И.Шайзаков**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, ю.ф.ф.д (PhD), доцент

**Ғ.М.Шодиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, доцент

## КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда жиноят процессининг муҳим иштирокчиси бўлган гувоҳларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва хавфсизлик чора-тадбирларини кўриш масалаларига жиддий эътибор қаратиб келинмоқда, чунки гувоҳларнинг кўрсатувлари жиноий ва коррупциялашган тузилмаларга қарши курашишда муҳим ва ишончли далил манбаларидан бири ҳисобланади. БМТнинг “Барча шахсларни зўравонлик йўқолишидан ҳимоя қилиш бўйича халқаро конвенцияси”нинг 12-моддасига биноан, зарур ҳолларда, давлатлар аризачи, гувоҳлар, бедарак йўқолган шахснинг қариндошлари ва уларнинг ҳимоячиси, шунингдек терговда иштирок этаётган шахслар шикоят бериш, у ёки бу кўрсатувлар бериш факти билан боғлиқ ҳар қандай шаклдаги ғайриқонуний муомаладан ёхуд ҳар қандай кўрқитишдан ҳимоя қилинишини таъминлаш учун тегишли чоралар кўрилиш бўйича мажбуриятларни юклайди<sup>1</sup>. Human Rights Watch ташкилотининг 2025 йилдаги жаҳон ҳисоботида кўра, “Ҳар йили минглаб инсонлар давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари суиистеъмолликлари ёки самарасиз ташкил этилган бошқарув туфайли ўзларига тегишли бўлган ҳуқуқ ва эркинликлар бузилганлиги тўғрисида ҳисобот тақдим этган ва бунга қарши курашиш бўйича 100 га яқин иштирокчи мамлакатларнинг давлат бошқаруви тизими ва қонунчилигини ўзгартириш бўйича тавсиялар берилган”<sup>2</sup>. Шу боис, жиноят судлов ишида қатнашаётган гувоҳлар ва унинг яқинларининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича қонунларни такомиллаштириш зарурати пайдо бўлмоқда.

Жаҳонда дастлабки тергов ва суд жараёнларида гувоҳларни ҳимоясини кучайтириш, ҳуқуқларини кенгайтириш (адвокат ёрдами, зарарни қоплаш) ва мажбуриятларини аниқлаштириш, айниқса мураккаб ишларда (масалан, уюшган жиноятчилик, ва жиноий уюшмаларда иштирокида), шунингдек, гувоҳларни айбланувчига айланишига йўл қўймаслик ва уларни таҳдид, босимдан ҳимоя қилишга қаратилган дастурлар ишлаб чиқилмоқда, бу одил судлов самарадорлигини ошириш бўйича илмий изланишлар олиб бориш, қонунчиликни такомиллаштиришга жиддий эътибор қаратиш лозимлигини кўрсатмоқда.

Республикамизда жиноят иши бўйича гувоҳларни объективлигини таъминлаш, гувоҳлар ҳаққоний кўрсатув бериши, аммо ўзига ва яқинларига қарши гувоҳлик бермаслик ҳуқуқига эга. Судлар ва дастлабки тергов органлари гувоҳларни холислигини таъминлашга интилади, тахминларга асосланган кўрсатувларни истисно қилади ва ёлғон, тухмат учун жиноий жавобгарлик ҳақида огоҳлантиради. Бу процессуал нормалар ва давлат органлари орқали таъминланиши лозим. Мазкур масала жиноят процессуал ҳуқуқ оилалари мансубликдан ҳамда ижтимоий-ҳуқуқий ривожланганлик даражасидан қатъи

<sup>1</sup> “Международная конвенция для защиты всех лиц от насильственных исчезновений”. Принята резолюцией 61/177 Генеральной Ассамблеи от 20 декабря 2006 года.

<sup>2</sup> <https://www.hrw.org/world-report/2025>

назар, барча мамлакатларнинг жиноят-процессуал ҳуқуқи учун долзарб масалалар сирасига киради. Хусусан, янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддасида “Ҳеч ким ўзига ва яқин қариндошларига қарши гувоҳлик беришга мажбур эмас” деган норма киритилди. Мазкур масалалар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 ноябрдаги ПФ-5268-сонли “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида, ёлғон гувоҳлик ва ёлғон хабар берганлик учун жавобгарликни кучайтириш ҳам назарда тутилган<sup>1</sup>. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сонли “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида, гувоҳларни ҳимоя қилиш бўйича устувор вазифалар қўйилган.<sup>2</sup> Олий суд статистик маълумотида кўра, ёлғон гувоҳлик берганлик учун жавобгарликка тортилган шахслар 2021 йил 72 та, 2022 йил 93 та, 2023 йил 89 та, 2024 йил 66 та, 2025 йил учинчи чорагида 53 тани ташкил этади<sup>3</sup>. Ваҳоланки, сўнги беш йилда реабилитация этилган шахслар уч мингдан зиёддир. Ушбу ҳолатдан келиб чиқадиган бўлсак, реабилитация этилган шахслар ва ёлғон гувоҳлик берганлик билан жавобгарликка тортилган шахслар ўртасида номутаносиблик мавжуд. Бундан ташқари, кўриб чиқилган 236 та жиноят ишларининг 117 тасида суриштирувчи айблов далолатномасида, 64 та ишда терговчи айблов хулосасини тузишда айбланувчи шахсларнинг кўрсатувларидан далил сифатида фойдаланганлар. Жиноят ишларининг 52 тасида айбланувчиларнинг кўрсатувлари суд томонидан мақбул бўлмаган далил сифатида эътироф этилган<sup>4</sup>. Худди шу маълумотлар тадқиқот мавзусининг муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Шу боис, мавзуга доир гувоҳларнинг процессуал-ҳуқуқий мақоми, ҳуқуқларини амалга ошириш ҳамда мажбуриятларини бажариш, уларнинг хавфсизлигини процессуал таъминлашга оид муаммоларни диссертация даражасида таҳлил қилиш долзарб масала эканлигидан далолат беради.

Мазкур диссертация тадқиқоти янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (2023), Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (1994), Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2016), “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилик тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2018), “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2020), “Одил судлов

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 ноябрдаги ПФ-5268-сонли “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сонли “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

<sup>3</sup> <https://stat.sud.uz/assets/uploads/criminal/pdf/criminal-2025-full.pdf>

<sup>4</sup> Диссертациянинг 2-иловасига қаранг.

фаолиятини амалга оширишни самарали ташкил этиш бўйича қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги (2023), “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини “Атрофмуҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йилида амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги (2025) фармонлари ва мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавиймаърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

**Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>1</sup>.** Жиноят процессида гувоҳ институти ва ҳолати билан боғлиқ ўзига хос хусусиятларга доир муносабатларни такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва университетларида олиб борилмоқда ва қуйидаги илмий натижаларга эришилган: жиноят ишларида иштирок этаётган гувоҳларнинг хавфсизлигини таъминлашга доир жиноят процессуал қонунчилигини такомиллаштиришдаги аҳамияти масалалари бўйича тадқиқотлар БМТнинг Наркотик ва жиноятчиликка қарши курашиш бошқармаси (UNODC), жабрланувчиларга ёрдам ва гувоҳларни ҳимоя қилиш муҳимлиги исботланган (UN), халқаро судларда ҳақиқатни аниқлаш учун гувоҳларни ҳимоя қилишнинг аҳамияти асосланган (ICTY, ICTR, ICC), гувоҳлар ва қурбонларни қўллаб-қувватлаш тизими ишлаб чиқиш исботланган (UNDP), Lund University (Швеция), Vrije Universiteit Amsterdam (Нидерландия), Саратов давлат юридик академияси (Россия), Ғарбий Қозоғистон инновацион-технология университети (Қозоғистон); Москва давлат университети (РФ), Тошкент давлат юридик университети, Ички ишлар вазирлиги Академияси, Жамоат хавфсизлиги университети каби илмий ва олий таълим муассасаларида амалга оширилган.

Бугунги кунда жаҳонда гувоҳ ҳуқуқий ҳолатига оид қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: жиноят ишларини юритишда гувоҳларнинг хавфсизлигини таъминлаш; суд жараёнида гувоҳлар кўрсатувлари ишончилигини таъминлаш; гувоҳнинг компетентлиги; гувоҳга тақдим этилган процессуал имтиёзлар; вояга етмаган гувоҳлар билан боғлиқ ишларда вакил, педагог ва психологни иштирок этиши; гувоҳларни сўроқ қилиш; таҳаллус билан боғлиқ ишларда махфийлик масалалари; гувоҳларга ҳуқуқий ёрдам бериш; гувоҳлар кўрсатувларини таъминлаш учун халқаро стандартларга мувофиқ суд-тергов фаолиятини йўлга қўйиш; гувоҳларни

<sup>1</sup> Диссертация мавзусига оид хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи қуйидаги манбалар асосида ёритилган: <https://www.legal-tools.org/>, <https://crimereasearch.org>, <https://ink.library.smu.edu.sg>; <https://www.researchgate.net>; <https://www.unodc.org/unodc/en/organized-crime/witness-protection.html>; <https://doi.org/10.18287/2542-047X-2022-8-2-82-87>; <https://www.topuniversities.com/universities/lund-university>; <https://www.topuniversities.com/universities/vrije-universiteit-amsterdam>; <https://ssla.ru/>; <https://wkitu.kz/ru/>; <https://files.acquia.undp.org/public/migration/eurasia/UNDP-CROATIA-Witness-and-Victim>. ва бошқа манбалардан олинган.

моддий қўллаб-қувватлашга оид масалалар таҳлил қилиниб, уни такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Республикамиз олимлари – Ғ.А.Абдумажидов, Х.Р.Раҳманкулов, Б.Х.Пўлатов, М.Х.Рустамбоев, Ф.М.Мухитдинов, З.Ф.Иноғомжонова, М.А.Ражабова, Д.М.Миразов, С.М.Раҳмонова, У.А.Тухташева, Г.З.Тўлаганова, А.И.Тошпўлатов, Д.Ж.Суюнова, Д.Б.Базарова, Б.А.Мўминов, Х.Н.Бахронов А.Х.Саидов, М.Ниязовлар томонидан тайёрланган илмий ишлар, ўқув-услубий қўлланмалар ва дарсликларда гувоҳнинг процессуал-ҳуқуқий мақомининг айрим жиҳатлари тадқиқ қилинган.

Жумладан, Л.И.Астанова жиноят процессида гувоҳнинг мақоми (1993), А.Алламуротов жиноят процессида иммунитет институтининг тарихий ривожланиш босқичлари ва ҳозирги ҳолати (2004), Қ.Қ.Маткаримов гувоҳ иммунитетини илмий-назарий жиҳатларини (2009), Ш.Хакназаров суднинг жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш масалалари (2023), М.Қ.Муҳаммадалиев кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш институтининг далилларни баҳолашдаги ўрни (2025), А.Й.Абдуллаев гувоҳнинг ёки жабрланувчининг била туриб ёлғон кўрсатув бериш жиноятларини тергов қилишни такомиллаштириш (2025)га оид муаммоларни тадқиқ этганлар.

МДҲга аъзо мамлакатларида –А.А.Кухта, А.А.Попов, А.В.Скопинский, Т.А.Лоскутова, А.Н.Шестакова, С.Д.Ахпанов, В.В.Грищенко, В.А.Лазарева, В.А.Лазаревалар гувоҳнинг процессуал мақоми, унинг исботлаш фаолиятидаги иштирокининг шакли, мазмун ва моҳияти масалаларида тадқиқот ишлари олиб борганлар. Шу билан бирга, А.В.Вениосов, А.М.Мойсинович, А.В.Смирнов, А.С.Александров, А.В.Бахновский, А.Р.Белкин, К.Айтбаев, А.С.Гамбарян, А.М.Ларин, А.Р.Белкин, А.И.Гришин, С.Г.Ганбаров, Л.Р.Сюкияйнен, Н.И.Гродекова, К.П.Краковский, Ф.Г.Григорьев, В.А.Михайлов, К.Айтбаев, Н.И.Гродекова, А.А.Темирбекова, У.Э.Иманалиева, Л.В.Воскобитова, Т.Ф.Хмельницкая, И.И.Никитченко, Ч.Д.Кенжетаев, В.В.Кальницкий, Н.Н.Розин, И.Я.Фойницкий, Д.Г.Тальберг, О.А.Зайцев, М.И.Бажанов, О.И.Рогова, Ю.К.Орлов, В.Л.Будников, Р.С.Белкин, Ю.И.Стецовский, Ю.Р.Сельвестру, Р.А.Хошимов, Н.П.Кузнецов, М.Г. Решняк, Е.А.Артамонова, В. Д.Арсеньев, Л.М.Володин, А.Г.Волеводз, Л.Р.Сюкияйнен, И.И.Басецкий, М.А.Пешков, И.Б.Михайловская, В.И.Смыслов, С.А.Саушкин, Л.И.Родевич, И.И.Басецкий, П.А.Лупинская ва бошқаларнинг мавзуга оид ишларини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим<sup>1</sup>.

Abu Xanifa, N.Safo-Isfihoniy, K.Santini, U.Bernam, Abdu-Yusuf va Muhammad, Karol Bajda, X.Lloyd, V.A.Alizade, A.F.Sataev, Abbas Muxamed Taxa, Axkam El-Isbat, Axmed el-Xasirib, Tareq Saeed Alshammari, Abu al Bassal Ali, Ibragim ibn Ali ibn Farxun, Ali ibn Aḥmad ibn Ḥazm, E.F.Loftus, Abbas Muxamed Taxa, N.G.Stoyko, M.Franchimont, R.Uolker, T.Kleinknecht, Meyer-Govner L. ва бошқаларнинг тадқиқот изланишларида гувоҳларнинг жиноят процессидаги

---

<sup>1</sup> Ушбу олимлар асарлари фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

вазифаларига ҳамда уларнинг хавфсизлигини таъминлашга оид айрим масалалар кўриб чиқилган.

Мазкур тадқиқотлар таҳлилидан кўриш мумкинки, уларнинг аксар қисми мамлакатимиз ЖПК қабул қилингунга қадар амалга оширилган ва замонавий жиноят процессида гувоҳнинг процессуал мақоми ўрганилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган ҳамда “Жиноят процессида гувоҳ институтининг генезиси, ҳолати ва унинг ривожлантириш истиқболлари” мавзусидаги илмий тадқиқот лойиҳаси доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** мамлакатимиз жиноят процессида гувоҳ институтининг генезиси, ҳолати ва унинг ривожлантириш билан боғлиқ нормаларни таҳлил қилиш, бу соҳадаги илмий-амалий концептуал ёндашувларни ривожлантиришга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Ўзбекистон ҳудудида гувоҳлик мақомининг тарихий ривожланиш хусусиятларини очиб бериш (милоддан аввалги, ўрта асрлар);

Турон ўлкасида Россия империясининг “Суд Устави”да гувоҳ мақомининг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш (1864-1917 йиллар);

Ўзбекистоннинг жиноят-судлов қонунчилигида гувоҳлик мақомининг ривожланиш тарихи боғлиқ масалаларни таҳлил қилиш (1917-1994 йиллар);

истиқлол йилларида жиноят процессида гувоҳнинг процессуал ҳолатини такомиллаштириш билан боғлиқ суд-ҳуқуқ ислохотлари ва унинг аҳамиятини ортишини ўрганиб чиқиш;

жиноят процессида гувоҳларни кўрсатувларини олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш тушунчаси ва мақсадининг ўзига хос жиҳатларини (депонирование институти) таҳлил қилиш;

жиноят процессида гувоҳнинг процессуал мажбуриятлари билан боғлиқ масалаларни таҳлил қилиш;

гувоҳнинг исботлаш фаолиятидаги ўрнини очиб бериш;

жиноят шохидларининг процессуал мақомига оид масалаларни таҳлил қилиш;

жиноят процессида “Шоҳона (тождор) гувоҳ” мақомининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш;

муслмон ҳуқуқида гувоҳларнинг мақоми ва уларнинг кўрсатувлари исботлаш воситаси сифатида таҳлил қилиш;

англо-саксон жиноят процессида гувоҳнинг иштирокининг ўзига хос жиҳатларини ёритиш;

роман-герман ҳуқуқ оиласида гувоҳ мақомига оид масалаларини тадқиқ қилиш;

жиноят процессида гувоҳ институтини ривожлантириш истиқболларини таҳлил қилиш ҳамда амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг объекти** жиноят процессида гувоҳ институтининг генезиси, ҳолати ва унинг ривожлантириш истиқболлари билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар тизими ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** жиноят ишларини юритишда гувоҳнинг процессуал мақомини тартибга солувчи миллий, халқаро ва хориж мамлакатларидаги ҳуқуқ нормаларининг генезисининг тарихий ривожланишини ўрганиш, уларни қўллаш амалиёти ҳамда гувоҳнинг жиноят процессидаги иштирокига оид илмий-назарий қараш ва ёндошувлар ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот ишини ёзишда формал мантик, тизимлилик, тарихий ривожланиш, қиёсий-ҳуқуқий, амалиётда юритилган жиноят ишларининг ҳамда статистик маълумотларнинг таҳлили, социологик сўровлар ўтказиш каби усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

гувоҳни суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд чақирув қоғози ёки Интернетдаги ижтимоий тармоқлар ҳамда телефон хабар – SMS (инглизча: Short message Service – ўзбекча: қисқа хабар хизмати) ёхуд телефонограмма, телеграмма, радиogramма билан ва телефакс орқали чақириб мумкинлиги асослантирилган;

жиноят ишини юритишнинг дастлабки босқичида шахсларни хавфсизлигини таъминлаш зарурати юзага келганда таҳаллус остида иштирок этиш мумкинлиги асослаб берилган;

суд мажлисида сўроқ қилинувчи шахслар рўйхатида таҳаллуси кўрсатилган гувоҳларга уларнинг шахсига оид маълумотларни ошкор қилишга ишора қилувчи саволлар бериш тақиқланиши, башарти таҳаллусга эга гувоҳнинг шахсига оид маълумотларни ошкор қилиш тарафларнинг илтимосларига кўра, суднинг шундай зарурият ишни тўғри ҳал қилиш учун муҳим деган ҳулосага келган тақдирда йўл қўйилиши асослаб берилган;

таҳаллусга эга бўлган гувоҳларни сўроқ қилиш дастлабки тергов ўтказиш жойида, башарти шахснинг хавфсизлигига жиддий таҳдидлар мавжуд бўлганда, гувоҳ жойлашган жойда ёхуд қўриқланадиган бинода ўтказилиши асослантирилган;

жиноятни содир этган шахсни фош этишда кўмак берувчи шахслар, ўз фуқаролик бурчини бажариши, унинг ҳаётига хавф солиниши ёки соғлиғига, мулкига жиддий зарар етказилиши мумкинлиги ҳақида асосли таҳдидлар мавжуд бўлганда, ушбу шахслар давлат ҳимоясидан фойдаланишлари мумкинлиги асослантирилган;

гувоҳ сифатида кўрсатув бермаслик ҳуқуқига эга шахслар доираси яъни иммунитет ҳуқуқига эга бўлган шахслар рўйхати асослантирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

терговчи, суриштирувчи, прокурор ва тергов судьяси (судья) гувоҳларни кўрсатувларини олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш моддий аҳволи, хавфсизлик чораларини қўллаш зарурати ёхуд далилларни йўқотилишини олдини олиш нуқтаи назардан амалга ошириш зарурлиги асослантирилган;

вояга етмаган гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг чақирув бўйича белгиланган муддатда ҳозир бўлиши қонуний вакиллар томонидан таъминланишни назарда тутувчи қоидаларини жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

гувоҳни терговчининг чақирув бўйича белгиланган муддатда ҳозир бўлишга тўсқинлик қилувчи узрли сабабларини рўйхати ишлаб чиқилган;

гувоҳга нисбатан процессуал мажбурлов чораси сифатида мажбурий келтириш фақат гувоҳ сўроққа келиш мажбуриятидан қасддан бўйин товлаётгани тўғри аниқланганда ва гувоҳ сўроққа тегишли тарзда чақирилган ҳоллардагина қўлланилиши мумкинлиги асослантирилган;

гувоҳ чақирув бўйича белгиланган муддатда ҳозир бўлишга тўсқинлик қилувчи узрли сабаблар мавжудлиги тўғрисида ўзлари чақирилган органни хабардор қилишлари шартлиги асослантирилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Тадқиқот натижалари қонунчилик нормалари, айрим хорижий давлатлар тажрибаси, қонунни қўллаш амалиёти, Конституция ва қонунларда умумэтироф этилган қоидалар ва бошқа ишончли манбалар, етарли илмий далиллар асосида исботланган бўлиб, хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган ҳамда олинган натижалар ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Диссертация ишининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, амалий таклиф ва тавсиялардан келгусида илмий фаолиятда, амалдаги жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштиришда, тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда, суд-тергов органлари фаолиятида, шунингдек жиноят-процессуал ҳуқуқи, тезкор-қидирув ҳуқуқи, далиллар назарияси каби фанларни илмий-назарий жиҳатдан янада бойитишда фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, келажакда гувоҳнинг процессуал мақомини, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш муаммоларини ўрганиш, гувоҳларга тақдим этилган имтиёзларнинг асослари ҳамда уларнинг хавфсизлигини процессуал таъминлаш борасида жиноят-процессуал қонунчиликни такомиллаштириш бўйича илмий изланишлар олиб бориш учун методологик пойдевор бўлиб хизмат қилиши мумкин. Тадқиқот натижаларидан жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштиришда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларини ишлаб чиқиш амалиётида фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Гувоҳнинг процессуал мақомини, унга қонун билан тақдим этилган имтиёзларнинг хусусиятларини ҳамда процессуал хавфсизлик чораларини кучайтириш йўллари тадқиқ этиш натижалари асосида:

гувоҳни суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд чақирув қоғози ёки Интернетдаги ижтимоий тармоқлар ҳамда телефон хабар – SMS (инглизча: Short message Service – ўзбекча: қисқа хабар хизмати) ёйинки телефонограмма, телеграмма, радиogramма билан ва телефакс орқали чақириш ҳам мумкин деган

таклифларидан “Жиноят-процессуал кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Парламент тадқиқотлари институтининг 2025 йил 24 апрелдаги 3/dn-81-сон далолатномаси). Ушбу таклифларнинг амалиётга жорий этилиши судга қадар ва суд босқичида гувоҳларни терговчини ва судни чақирувига биноан ҳозир бўлишини таъминлашга ҳуқуқий асос яратади;

жиноят ишини юритишнинг дастлабки босқичида шахсларни хавфсизлигини таъминлаш зарурати юзага келганда таҳаллус остида иштирок этиш мумкин деган таклифларидан “Жиноят-процессуал кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Парламент тадқиқотлари институтининг 2025 йил 24 апрелдаги 3/dn-81-сон далолатномаси). Ушбу таклифларнинг амалиётга жорий этилиши судга қадар ва суд босқичида гувоҳларни хавфсизлигини таъминлаш мумкинлигини такомиллаштиришга ҳуқуқий асос яратади;

суд мажлисида сўроқ қилинувчи шахслар рўйхатида таҳаллуси кўрсатилган гувоҳларга уларнинг шахсига оид маълумотларни ошкор қилишга ишора қилувчи саволлар бериш тақиқланиши, башарти таҳаллусга эга гувоҳнинг шахсига оид маълумотларни ошкор қилиш тарафларнинг илтимосларига кўра, суднинг шундай зарурият ишни тўғри ҳал қилиш учун муҳим деган хулосага келган тақдирда йўл қўйилиши мумкин деган таклифларидан “Жиноят-процессуал кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Парламент тадқиқотлари институтининг 2025 йил 24 апрелдаги 3/dn-81-сон далолатномаси). Ушбу таклифларнинг амалиётга жорий этилиши дастлабки тергов ва суд жараёнларида тортишувчанлик ва ҳақиқатни аниқлаш принципини таъминлашга ҳуқуқий асос яратади;

таҳаллусга эга бўлган гувоҳни сўроқ қилиш дастлабки тергов ўтказиш жойида, башарти шахснинг хавфсизлигига жиддий таҳдидлар мавжуд бўлганда, гувоҳ жойлашган жойда ёхуд қўриқланадиган бинода ўтказилиши мумкин деган таклифларидан “Жиноят-процессуал кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги “Жиноят-процессуал кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Парламент тадқиқотлари институтининг 2025 йил 24 апрелдаги 3/dn-81-сон далолатномаси). Ушбу таклифларнинг амалиётга жорий этилиши дастлабки тергов ва суд жараёнларида шахс ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкани ҳимоя қилишга ҳуқуқий асос яратади;

жиноятни содир этган шахсни фош этишда кўмак берувчи шахслар, ўз фуқаролик бурчини бажариши, унинг ҳаётига хавф солиниши ёки соғлиғига, мулкига жиддий зарар етказилиши мумкинлиги ҳақида асосли таҳдидлар мавжуд бўлганда, ушбу шахслар давлат ҳимоясидан фойдаланишлари мумкин деган таклифларидан “Жиноят-процессуал кодексига ўзгартириш ва

қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги “Жиноят-процессуал кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси хузуридаги Парламент тадқиқотлари институтининг 2025 йил 24 апрелдаги 3/дп-81-сон далолатномаси). Ушбу таклифларнинг амалиётга жорий этилиши дастлабки тергов ва суд жараёнларида шахс ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкни ҳимоя қилишга ҳуқуқий асос яратади;

гувоҳ сифатида кўрсатув бермаслик ҳуқуқига эга шахслар доираси яъни иммунитет ҳуқуқига эга бўлган шахслар рўйхати бўлиши лозим деган таклифларидан “Жиноят-процессуал кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги “Жиноят-процессуал кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси қонунчилик палатаси хузуридаги Парламент тадқиқотлари институтининг 2025 йил 24 апрелдаги 3/дп-81-сон далолатномаси). Ушбу таклифларнинг амалиётга жорий этилиши дастлабки тергов ва суд жараёнларида иммунитетига эга бўлган шахслар доираси аниқ рўйхати шаклланиши мавжуд амалиётда ва қонунчиликдаги муаммоларни бартараф этишга ҳуқуқий асос яратади.

**Диссертация тадқиқоти натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 10 та (5 та халқаро, 5 та республика) илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

**Диссертация тадқиқоти натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, ОАК томонидан диссертациялари асосий илмий натижалари чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 19 та (шундан 13 таси хорижий нашрларда) илмий мақолалар чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, 13 та параграфдан иборат тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 253 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Диссертациянинг кириш (докторлик диссертацияси аннотацияси) қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва аҳамияти, тадқиқот ишининг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишларига мослиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилиниши, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги ва диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг “**Гувоҳ процессуал мақомининг ривожланиш босқичлари**” номли биринчи бобида Ўзбекистон худудида гувоҳлик мақомининг тарихий ривожланиш хусусиятлари (милоддан аввалги, ўрта асрлар), Турон ўлкасида Россия империясининг “Суд Устави”да гувоҳ мақомининг ўзига хос хусусиятлари, Ўзбекистоннинг жиноят-судлов қонунчилигида гувоҳлик мақомининг тарихий ривожланиш тарихи (1917-1994 йиллар) хусусиятлари каби масалалар таҳлил қилиниб, уларнинг илмий-назарий аҳамиятлари очиқ берилган.

Диссертант ҳозирги ўзбек давлатчилигининг тарихий шаклланиши узок даврларга бориб тақалиб, Ўзбекистон мустақил давлат сифатида шаклланишда бир қанча босқичларни босиб ўтганлиги, ҳар бир даврнинг ўзига хос мафқураси, сиёсий тузуми, давлат бошқаруви, ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқ манбалари бўлганлиги, бугунги кунгача, Ўзбек давлатчилиги тарихий ривожланишида бир қанча ҳуқуқ манбалари амал қилгани, буларга “Авесто”, “Қуръони Карим”, 1864 йилдаги Чор Россияси томонидан жорий этилган “Суд Устави”, 1926 йилдаги “Ўзбекистон ССР Жиноят-процессуал кодекси, 1929 йилдаги “Ўзбекистон ССР Жиноят-процессуал кодекси, 1959 йилдаги “Ўзбекистон ССР Жиноят-процессуал кодекси” ва 1994 йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси шулар жумласидан эканлигини келтиради. Юқоридаги манбаларга асосланиб, муаллиф, тадқиқот давомида гувоҳ мақомининг ривожланиш институтини бугунги кунгача етиб келган кўплаб манбаларга таяниб турли босқичларга бўлиб таҳлил қилинган.

Илмий ишда эътироф этилганидек, ислом динининг асоси, Аллоҳнинг Китоби – Қуръони Каримдир. У ҳам мамлакатимиз худудида вужудга келган ва бир-бирининг ўрнини эгаллаган жамиятларнинг ижтимоий, маънавий-маданий турмушини тартибга солган, ахлоқ ва ҳаётий амалиётини шакллантирган муҳим тарихий манба ҳисобланади.

Диссертант Қуръони Карим диний-ақидавий хусусиятга эга бўлган норматив-ахлоқий манба саналса-да, лекин унинг асосида кўплаб рационал ҳулқ қоидалари ишлаб чиқилганлиги, унинг рационал характери эса, мусулмон ҳуқуқининг муҳим ёзма манбаларидан бири – бу Бурхониддин Марғиновичнинг “Ҳидоя” асари бўлиб, унда судда ишларни юритиш, муҳокаманинг предмети, субъектлари ва далилларнинг турларини тартибга солувчи қоидаларни топиш мумкинлигини келтиради.

Мусулмон ҳуқуқининг ўзига хос хусусияти – ундаги нормаларнинг диний-ақидавий доктринал характерга эгаллиги билан боғлиқ. Табиат, борлиқ, инсон ва руҳият унсурларининг муносабатлари бевосита Аллоҳнинг мавжудлиги ва иштирокида, унинг ихтиёрига – кўрсатмаларига монанд ҳолда амалга ошади.

Мусулмон ҳуқуқида гувоҳнинг шахси билан бирга, унинг маънавий-ахлоқий жиҳатларига қўйиладиган талаблар ҳам муҳим ҳисобланарди. Гувоҳ мусулмон динига эътиқод қилувчи шахс бўлиш билан бирга, унинг шахсий фазилатлари ҳам муҳим ўринга эга эди. Гувоҳлик мақоми шахснинг ҳалол, тўғри сўз инсон бўлишини талаб этарди.

Тадқиқотчининг таъкидлашича, мусулмон ҳуқуқида гувоҳлар процессуал мақомини жинс билан боғлиқ хусусиятини ифода этади. Мусулмон ҳуқуқида

айнан эркак гувоҳга аёллардан кўра кўпроқ ишонч билдирилган. Аёл гувоҳларнинг кўрсатувлари эса, доим шубҳа остида бўлган.

Мусулмон ҳуқуқида аёл жинсидаги шахсларнинг кўрсатувларига бўлган ишончсизликнинг бир нечта сабаблари мавжуд бўлиб, уларнинг асосийси, жамиятда аёлнинг тутган ижтимоий ўрни билан боғлиқ эди. Мусулмон давлатларида аёллар ижтимоий фаоллик нуқтаи назаридан эркакларга нисбатан анча суст мақомга эга эдилар, уларнинг ижтимоий муносабатлардаги иштироки чегараланганди. Бунинг оқибатида аёллар бир қанча ижтимоий соҳалардаги, масалан таълим олиш, меҳнат қилиш каби соҳалардаги фаоллиги маъқул кўрилмасди. Ўз навбатида, бу ҳолат аёлларнинг ижтимоий коммуникациясига, ижтимоий ҳаётни англаш ва атрофдаги ҳодисаларни баҳолаш иқтидорига салбий таъсир кўрсатарди.

Ишда Бурхониддин Марғинович, М.А.Ражабова, С.И.Лахтина, Н.И.Гродеков ва бошқа процессуалист олимлар фикрларининг таҳлили асосида, муаллиф мусулмон ҳуқуқида гувоҳ тушунчаси – бу а) *муайян ҳодисанинг бевосита шохиди бўлган ёхуд муайян ҳолат юзасидан маълумотга эга*; б) *жисмоний-руҳий жиҳатдан ҳодисани эслаб қолиш* (демак англаш қобилиятига эга бўлган); в) *ҳодисага оид ҳолатларни етказиб бара олиш* (яъни маълумотни ҳаққоний баён қилиб бера олиш) *иқтидорига эга бўлган процессуал-ҳуқуқий мақомдаги шахсдир*, дея таснифлайди.

Муаллиф қози судлари процессуал жиҳатдан (хусусий) айблов-даъво шаклига эгаллиги, шу сабабли, даъвогар ва жавобгар ҳам жиноят иши бўйича гувоҳ сифатида кўрсатув беришлари шарт эканлиги, бу эса, ўз-ўзидан тарафлардан қай бирининг кўрсатувлари ҳаққоний эканлигини аниқлаш заруриятини келтириб чиқариш, тарафлардан бирининг ҳаққоний кўрсатув бераётганлигини аниқлашнинг ёки, аксинча бошқасининг кўрсатуви ёлғон эканлиги ҳақида маълумотга эгалик қози учун тарафлар кўрсатувини баҳолаш маконини ҳамда иш юзасидан қарор қабул қилиш асосини яратади.

Таъкидлаш жоизки, Турон ўлкасида гувоҳ мақоми қандай модернизация қилинганлиги ҳақида илк тасаввурларга эга бўлиш учун, аввало, ўтмишдаги қонунчилик ривожланишининг тарихий босқичларга ажратиб ўрганиш лозим саналади. Ҳар бир босқичда ўзига хос жинсий судловни таъминлашга қаратилган муҳим ўзгаришлар содир бўлган, бу ўз навбатида ўтмишда адолат қандай бўлганлиги, шунингдек ҳақиқатни аниқлашда гувоҳларнинг кўрсатувларнинг аҳамияти, исботлаш тизимида гувоҳларнинг кўрсатувлари далил манбаи сифатида қабул тартиблари ҳақида илк тасаввурлар пайдо бўлишига олиб келади. Бу таҳлиллар, анъанавий жамиятдан замонавий жамиятга ўтиш жиҳатлари, инновациялар, ислоҳотлар, концепциялар ва янги тизимларни жорий этиш бўйича баҳолашга имкон беради.

Диссертантнинг нуқтаи назарича, “Суд устави”нинг мамлакатимиз тарихидаги ижтимоий-ҳуқуқий аҳамияти шунда эдики, у “турон ўлкаси тарихида илк маротаба дунёвий мафкурага асосланган суд-ҳуқуқини жамият ижтимоий турмушига олиб кирди ҳамда дунёвий судлов юритувидаги дастлабки суд ислоҳотлар даврини бошлаб берди. Бу эса, шубҳасиз аҳолининг дунёвий судлов юритуви шаклига оид тажрибага асосланган билимларнинг

вужудга келишига, такомиллашувига ва ривожланишига туртки берган муҳим тарихий ҳужжатга айланди”. Унинг процессуал аҳамияти эса, айнан жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлаш ҳамда адолатли суд қарорини чиқариш талаби билан боғлиқ эди. Худди шу асосда гувоҳнинг процессуал мақоми шакллантирилди, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланди. Гувоҳ жиноят процессида исбот қилишнинг муҳим ва асосий субъектига айланди. Шу боис ҳам, айнан мазкур тарихий процессуал ҳужжат туфайли, Россия, кейинчалик эса советлар давридаги процессуалист олимлар гувоҳнинг мақоми, ҳуқуқ ва мажбуриятларига оид муаммоларга эътиборни қаратишни бошлаган.

Шунингдек, 1924 йилда Ўзбекистон ССРнинг ташкил топишига қадар унинг ҳудудида амалда бўлган 1922 йилдаги РСФСР ЖПКда гувоҳнинг иштирокини тартибга солувчи процессуал қоидалар юқорида баён қилинган доирада шаклланган эди. Ушбу институтга оид мулоҳазалар асосида гувоҳнинг мақоми, ҳуқуқ ва мажбуриятларига оид хусусиятларни аниқлайдиган бўлсак, гувоҳ – жиноят иши ҳолатларини аниқлаш учун зарур бўлган маълумотга эга шахс; жиноят ишини юритаётган шахс томонидан юборилган расмий чақирув қоғози гувоҳни жиноят процесси иштирокчисига айлантиради; жиноят процесси иштирокчиси сифатида муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга; гувоҳ мақомига эга бўлиш чегаралари (иммунитети) белгиланган.

Тадқиқотчи 1924 йилда Ўзбекистон ССРнинг ташкил топишига қадар унинг ҳудудида амалда бўлган 1922 йилдаги РСФСР ЖПКда гувоҳнинг иштирокини тартибга солувчи процессуал қоидалар юқорида баён қилинган доирада шаклланганлигини таъкидлайди. Ушбу институтга оид мулоҳазалар асосида гувоҳнинг мақоми, ҳуқуқ ва мажбуриятларига оид хусусиятларни аниқлайдиган бўлсак, гувоҳ – жиноят иши ҳолатларини аниқлаш учун зарур бўлган маълумотга эга шахс; жиноят ишини юритаётган шахс томонидан юборилган расмий чақирув қоғози гувоҳни жиноят процесси иштирокчисига айлантиради; жиноят процесси иштирокчиси сифатида муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга; гувоҳ мақомига эга бўлиш чегаралари (иммунитети) белгиланган.

Ўзбекистоннинг 1926 йилдаги ЖПК нафақат мамлакатда жиноят-судлов ишларини юритиш муносабатларини тартибга солган илк тарихий ҳуқуқий манба сифатида аҳамиятли, балки гувоҳ институтини ривожлантиришга муайян хисса қўшганлиги билан ҳам эътиборлидир.

Мамлакатимизда жиноят-судлов ишларини юритиш тарихида муҳим ўрин тутган қонун – бу 1959 йилда қабул қилинган Ўзбекистон ССРнинг Жиноят-процессуал кодекси ҳисобланади. Ўзбекистоннинг процессуал-ҳуқуқий соҳасида илк бор гувоҳнинг процессуал мақомининг ўзига хос қирралари аниқлаб берилди. Унга мувофиқ, гувоҳ – бу “жиноят ишига доир бирор ҳолатлардан ёки айбланувчининг шахсий характеристикасига доир маълумотлардан хабардор бўлган ҳар қандай шахсдир”. Кодексга биноан, гувоҳни сўроқ қилиш давомида берган барча кўрсатувлари имкони борича сўзма-сўз айнан протоколлаштирилиши зарур эди. Баъзан гувоҳнинг илтимосига кўра, кўрсатувларини ўз қўли билан ёзиб бериши мумкин эди. Шу билан кодексда вояга етмаган гувоҳларни сўроқ қилиш қоидалари ҳам алоҳида

белгиланган бўлиб, 14 ёшдан 16 ёшгача бўлган гувоҳни сўроқ қилишда терговчининг хоҳиши билан педагог қатнашиши мумкин эди.

Тадқиқотчи мусулмон ҳуқуқида шаклланган гувоҳ мақомининг ўзига хос процессуал хусусиятларини ўрганиш нафақат тарихий илдизларимизни англаш учун аҳамиятли, балки ушбу масаладаги замонавий процессуал-ҳуқуқий муаммоларга ечим излаш, уларни аниқлаш ва ҳал қилиш учун муҳим илмий-назарий ва эмперик манба сифатида хизмат қилади.

Диссертация ишининг **“Жиноят процессида гувоҳларни кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаш ва мажбуриятлари билан боғлиқ масалалар”** номли иккинчи бобида жиноят процессида гувоҳларни кўрсатувларини олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш тушунчаси ва мақсадининг ўзига хос жиҳатлари (депонирование институти), жиноят процессида гувоҳнинг процессуал мажбуриятлари билан боғлиқ масалалар, гувоҳнинг исботлаш фаолиятидаги ўрни билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилган.

Диссертация ишида А.А.Попов, В.В.Кальницкийн Ч.Д.Кенжетаев А.С.Александровнинг Т.В.Хмельницкая, В.В.Грищенко, Л.Воскобитова М.Қ.Муҳаммадалиев А.Н.Ахпанов ва Бернам Уильям каби олимларнинг илмий қарашлари таҳлил қилиниб, олимларнинг кўрсатувларни депонентлаш бўйича (ижобий ва салбий) фикрларидан қуйидагиларни хулоса қилиш мумкин: **а)** депонентлаш иш бўйича исботловчи материалларни шакллантириш усули (Т.В.Хмельницкая, В.В.Грищенко, Л.Воскобитова); **б)** қўлга киритилган фактларга қонуний куч бериш усул (Л.А.Воскобитова); **в)** объектив сабабларга кўра кўрсатувларни кейинги суд муҳокамаси давомида тақдим (сақлаш) этиш (А.А.Попов); **г)** кейинчалик ишни суд муҳокамасида ҳал қилишда гувоҳ ва бошқаларнинг сўроқ қилишдаги кўрсатувларини далиллик аҳамиятини баҳолаш (М.Қ.Муҳаммадалиев); **д)** кўрсатувларни депонентлаш, кўрсатувларнинг ишончилиги ва мақбуллигини оширади (А.Н.Ахпанов); **е)** кўрсатувларни келгуси босқичга тақдим этиш ёки сақлаб қўйиш мақсадида амалга ошириладиган ҳаракат (И.И.Никитченко); **ё)** гувоҳни кўрсатувларини депонентлаш одилона бўлиш учун кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш чоғида айбланувчи, унинг ҳимоячиси, прокурор ва тергов судьяси ўртасида ошқора тарзда ўтказиш лозим (В.В.Кальницкий); **ж)** гувоҳ, жабрланувчи ва айбланувчи ўртасида (кўрсатувларида) жиддий қарама-қаршилиқ юзага келганда, депонентланган кўрсатув ўртасида аниқлик киритиб бўлмаслигини (Ч.Д.Кенжетаев).

Кўрсатувларни депонентлаш, далилий аҳамиятга эга бўлган кўрсатувларни келгуси босқичга тақдим этиш ёхуд сақлаш билан боғлиқдир. Бундай ноодатий сайи-ҳаракатдан мақсад объектив сабаблар билан боғлиқлигини кўрсатади.

Кўрсатувларни депонентлашдан мақсад, **1) иш бўйича далилларни (фактларни) аниқлаш; 2) гувоҳ ва жабрланувчини хавфсизлигини таъминлаш асосида кўрсатувларни сақлаш (депонентлаш); 3) кўрсатувларни депонентлаш кейинчалик бундай имконият бўлмаслиги нуқтаи назаридан келиб чиқади, масалан вафот этиши ёки чет элга кўчиб кетиши; 4) процессуал жараёнлар соддалаштирилган ҳолда амалга оширилишига эришилади; 5) жиноят процессуал вазифаларини ҳал қилиш яъни жиноят ишларини тез ва тўлиқ кўриб**

чиқиши имконияти юзага келади; б) иштирокчиларни хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ҳам амалга оширилиши мумкин.

Юқоридагиларга таяниб, тадқиқотчи ЖПК 121<sup>2</sup>-моддаси биринчи қисмига, шунингдек, ЖПК 121<sup>2</sup>-моддаси учинчи қисмига тўлдириш тавсия этган.

Қонунчилик, гувоҳга иш бўйича аҳамиятли бўлган ҳолатларни терговчига ёки судга виждонан, қонундан оғишмай маълумот бериш мажбуриятини юклайди. Гувоҳнинг мажбурияти – иш бўйича холис (манфаатдор бўлмаган) томон бўлиб, терговчининг, суриштирувчининг ёки суднинг кўрсатмаларини бажариш билан боғлиқдир. Ёхуд конституция ва қонунлар белгилаб қўйилган бурчларни амалга ошириш ҳисобланади.

Ёлғон гувоҳлик беришнинг бу шакли бошқа ижтимоий хавфли оқибатларга эга: **биринчидан**, жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилади (одил судловни рўёбга чиқишига қарши бўлади); **иккинчидан**, суриштирувчини, терговчини ва судьяни чалғитади (адаштиради); **учинчидан**, суриштирувчи, терговчи ва судья томонидан адолатсиз ҳукм ва бошқа қарорлар чиқарилишига олиб келади.

Қонун чиқарувчи гувоҳнинг иккита мустақил мажбуриятини юклайди: 1) кўрсатув бериш; 2) ҳаққоний кўрсатув бериш. Ҳаққоний кўрсатув бериш деганда, фақат гувоҳ томонидан идрок этилган барча фактлар ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак. Яъни, жиноят иши бўйича ўзига маълум бўлган ҳолатлар ҳақида қонунда белгиланган шаклда терговчига ёки судга хабар бериши ва (ёки) унга берилган саволларга жавоб бериши шарт. Шундай қилиб, ҳаққоний кўрсатув бериш деганда, гувоҳ жиноят иши бўйича ўзига маълум бўлган ёки қабул қилган барча ҳолатлар ҳақида гапириб бериши шарт.

Бундан ташқари, гувоҳ терговчига ва судга ҳаққоний кўрсатув бериш мажбурияти татбиқ этиладиган ҳолатлар доираси, қонунда белгиланган предмети билан белгиланади. Булар, **биринчидан**, гувоҳ ўзига маълум бўлган ҳолатларни хабар бериши ёки сўзлаб беришини; **иккинчидан**, гувоҳнинг кўрсатувлари ҳаққоний бўлиши; **учинчидан**, гувоҳ ҳақиқатни яширмасликни ёки тўсқинлик қилмасликни; **тўртинчидан**, гувоҳ кўрсатув беришдан бош тортмаслиги; **бешинчидан**, гувоҳ била туриб ёлғон гапирмасликни; **олтинчидан**, кўрсатувлар фақат жиноят ишига алоқадорлиги билан боғлиқ бўлиши; **еттинчидан**, гувоҳ жиноятни ўзи шоҳиди бўлишини; **саккизинчидан**, ишда гувоҳнинг кўрсатувларидаги баъзи ўзининг баҳоловчи фикрларидан четда бўлишини назарда тутади.

Гувоҳ иш бўйича ёлғон кўрсатув бериш ёки ҳақиқатни яшириш икки шаклда намоён бўлиши мумкин: **қасддан** (бошқа жиноятни яшириш мақсадида, моддий рағбатлантириш эвазига, сукут сақлашлик билан, мажбуриятни тўлик ҳис қилмаслик) ёки **турли субъектив омиллар билан изоҳланиши мумкин** (масалан, ўз ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолат, таҳдид, яқин қариндошлик, ходисаларни нормал идрок (руҳий) этмаслиги, тушкун вазиятда бўрттириб кўрсатишга мойиллиги).

Диссертант исбот қилиш жиноят процессининг марказий ва мазмун-моҳиятини акс эттирадиган масаласи ҳисобланишини, исботлаш процесснинг барча босқичида амалга оширилиш, исботлаш ҳар қандай босқичнинг диққат

марказида бўлишини, таъкидлайди. Айнан жиноят жараёнларида исботлаш гувоҳнинг (жабрланувчининг) воқеликни англашдан бошланади. Жиноят процессидаги исбот қилиш фаолиятида гувоҳнинг ўрни ва тушунчасини қайд этилган тушунчалар доирасида кўриб чиқадиган бўлсак, гувоҳ – бу муқаррар маълумотга эга бўлган шахс, аммо унинг маълумотлари жиноят иши ҳолатларига тааллуқли бўлиши ёхуд жиноятнинг содир этилганлиги ёки этилмаганлигига оид ҳолатларни исбот қилиш хусусиятига эга бўлиши зарур.

Жиноят ишида гувоҳ ҳам далил, ҳам исбот қилишнинг субъекти сифатида исбот қилиш фаолиятининг мунтазам ва доимий, зарурий ва мажбурий, нисбатан холис иштирокчиси ҳисобланади. Чунки, жиноят-процессуал муносабатлар ўзига хос ҳуқуқий тизимни ташкил қиладиган бўлса, унинг муҳим ва зарурий элементи – бу содир этилган жиноятнинг барча ҳолатларини аниқлаш масаласи ҳисобланади. Шу сабабли, жиноят ишини юритувчи шахслар (суриштирувчи, терговчи ва суд) доимо муайян ҳодисада жиноятнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги, уни содир этган шахс айбдор ёки айбсиз эканлиги ҳақидаги диалектик муаммога ечим топиши зарур деган ҳулосага келган.

Муаллиф Қирғизистон (119-модда), Қозоғистон (157-модда), РФ (113-модда), Тожикистон (115-модда) ва Арманистон (153-модда) Жиноят-процессуал кодекси ҳамда Ф.М.Мухитдинов, Б.А.Ражабов, Г.З.Тўлаганова, О.И.Рогова, М.И.Бажанов, О.А.Зайцев, А.В.Скопинский, Д.Г.Талберг, И.Я.Фойницкий каби олимлар фикрларнинг таҳлили асосида амалдаги ЖПК бир қанча нормаларига, хусусан: ЖПК 17, 55, 66, 116, 261 ўзгартириш ва кўшимчалар киритишни ва янги 261<sup>1</sup>-моддаси билан тўлдиришни таклиф этган.

Диссертациянинг **“Жиноят ишларини юритишда алоҳида тоифадаги шахсларнинг гувоҳ сифатида иштироки хусусиятлари”** деб номланувчи учинчи бобида айбланувчининг (гумон қилинувчининг, судланувчининг) ва гувоҳнинг иш бўйича кўрсатувлари, уларнинг исботлашдаги аҳамияти ҳамда жиноят процессида “Шоҳона (тождор) гувоҳ” мақомининг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган.

Муаллиф айбланувчининг, шунингдек гувоҳнинг процессуал мақомлари ва фаолиятларига оид тушунчаларни аниқлаштириш натижасида: **1) айбланувчининг (гумон қилинувчининг, судланувчининг) жиноятга оид ҳолатлар тўғрисида ўзи эга бўлган маълумотларни кўрсатув бериш воситасида ошкор этиш ҳуқуқи мавжуд** (лекин ушбу ҳуқуқдан айбланувчи хоҳлаган вақтда воз кечиш ҳуқуқига эга бўлган процесс иштирокчиси); **2) айбланувчининг (гумон қилинувчининг, судланувчининг) ЖПК 46 ва 48-моддаларида эътироф этилган ҳуқуқ ва эркинликларни таъмин этган ҳолда олинган кўрсатувларда баён қилинган ҳолатлар жиноят иши учун муҳим бўлган маълумотлар қаторига киради;** **3) айбланувчининг кўрсатувлари, гувоҳнинг кўрсатуви каби амалиётда энг кўп тарқалган далил тури ҳисобланади** (суд ҳукмларининг 43,8%да айбланувчининг (судланувчининг) кўрсатувларида баён этилган маълумотлар суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг, суднинг ички ишончини шаклланишида ижобий ўринга эга бўлган, 55,6% айбланувчининг кўрсатувларидаги маълумотларни текшириш натижасида улар ишончга эга бўлмаган маълумотлар сифатида эътироф этилишига сабаб

бўлган); 4) айбланувчининг (гумон қилинувчининг, судланувчининг) кўрсатувларида мавжуд бўлган жиноят ҳолатларига тааллуқли маълумотлар бошқа маълумотлар, жумладан гувоҳнинг кўрсатувлари билан биргаликда баҳоланган ҳолда, суд, прокурор, терговчи, суриштирувчи томонидан ишда далил сифатида фойдаланилиши мумкин (жумладан, кўриб чиқилган 236 та жиноят ишларининг 117 тасида суриштирувчи айблов далолатномасида, 64 та ишда терговчи айблов хулосасини тузишда айбланувчи шахсларнинг кўрсатувларидан далил сифатида фойдаланганлар. Худди шундай тарзда, суд 184 та жиноят иши бўйича айбланувчиларнинг кўрсатувларида ошкор қилинган маълумотлар, бошқа маълумотлар билан биргаликда айблов ҳукмини қабул қилиш учун асос бўлиб хизмат қилган); 5) айбланувчининг кўрсатувлари ўз манфаатларини ҳимоя қилишга, баъзан иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилишга имкон яратади (яъни айбланувчининг (гумон қилинувчининг, судланувчининг) кўрсатувлари жиноят ишининг ҳолатларини аниқлаш учун аҳамиятли маълумот ҳисоблансада, лекин амалиётда уларнинг кўрсатувлари жиноят ишида тўпланган бошқа далилларга зид келади. Масалан, ўрганиб чиқилган жиноят ишларининг 52 тасида айбланувчиларнинг кўрсатувлари суриштирувчи, терговчи ва суд томонидан мақбул бўлмаган далил сифатида эътироф этилган.

Диссертант кўпгина хориж мамлакатларида шоҳона гувоҳ (*crown witness*) айбланувчи томон бири ҳисобланишини ва жиноят процессининг мустақил иштирокчи сифатида иштирок этишини келтириб ўтади. Айниқса, Польша, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Канада, Чехия ва Словакия мамлакатлар ҳуқуқни қўллаш амалиётининг ўзига хос хусусияти шундаки, уюшган жиноятчиликка қарши курашда энг самарали жиний процессуал усуллардан фойдаланишидадир.

А.Г.Волеводз, П.А.Литвишкола, Т.А.Лоскутова каби олимларнинг фикрича, шоҳона гувоҳ, жиноят содир этган шахс бўлиб, жавобгарликдан озод бўлиш ёки енгиллаштириш мақсадида оғир жиноятларни олдини олиш, уларни аниқлаш ва уларга барҳам бериш ҳамда жиноят содир этган шахсларни қўлга тушириш учун кўрсатув берган шахс ҳисобланади.

Шоҳона (тождор) гувоҳларнинг жиний жавобгарликдан озод этиш шарти куйидагилар бўлиши мумкин: ихтиёрий равишда жиний уюшмада иштирок этишни (рад этган) тўхтатган (Россия, Польша); ихтиёрий равишда жиний уюшма мавжудлиги ёки ташкил этганлиги ёхуд унда иштирок этганлиги ҳақида хабар (ариза) берганлиги (Словакия, Чехия, Беларуссия, Украина); жиний уюшмада иштирок этганлиги ёки бошқа алоқадорлик шакллари мавжудлиги ҳамда уларни фош этишда ва олдини олишда фаол ёрдам берганлиги (Россия); жиний ташкилот фаолиятини фош қилишда фаол кўмаклашмоқ (Беларуссия, Украина); ихтиёрий равишда жиний уюшма мавжудлиги ёхуд жиний жавобгарликка тортиладиган қилмишларни содир этиш мақсадларига эришиш ҳаракатларини олдини олишда полиция билан фаол ҳамкорлик қилган бўлса (Германия); содир этилган ҳолатлар бўйича ёхуд тайёргарлик кўрилаётган жиний жавобгарликка тортиладиган барча қилмишлар ҳақида хабар бермоқ (Польша); ўз вақтида юқорида кўрсатилган маълумотлар ҳақида ёки қачон

жиноий жавобгарлик қилмишларини содир этганлиги шунингдек, бундай қилмишларни ҳали ҳам олдини олиш мумкинлиги ҳақида хабар бермоқлик (Словакия, Чехия, Германия); у айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилган, келтирилган зарарни бартараф қилган бўлса ва чин кўнгилдан пушаймон бўлган, жиноятнинг олдини олиш, жиноятни очиш ёки унинг ташкилотчиларини ёхуд бошқа иштирокчиларини аниқлаш ва фош қилишга ёрдам берган бўлса (Ўзбекистон).

Юқоридагилар асосларида тадқиқот ишида мамлакатимиз ЖПКнинг 17, 65<sup>1</sup>, 65, 66, 110-моддаларига ўзгартириш ва қўшимчаларни жорий этиш бўйича фикр-мулоҳазалар илгари сурилади, уларнинг асос ва моҳиятлари кўрсатиб берилади.

Диссертациянинг **“Хорижий мамлакатлар жиноят процессуал қонунчилигида гувоҳ сифатида иштирок этишининг ўзига хос хусусиятлари”** деб номланувчи тўртинчи бобида мусулмон ҳуқуқида гувоҳларнинг мақоми ва уларнинг кўрсатувлари исботлаш воситаси сифатида, англо-саксон жиноят процессида гувоҳнинг иштирокининг ўзига хос жиҳатлари ҳамда роман-герман ҳуқуқ оиласида гувоҳ мақомига оид масалалар шунингдек жиноят процессида гувоҳнинг процессуал ҳолатини такомиллаштириш билан боғлиқ суд-ҳуқуқ ислоҳотлари ва унинг аҳамиятини ортиши доир масалалар комплекс ўрганилган.

Диссертант мусулмон ҳуқуқида гувоҳнинг шахси билан бирга, унинг маънавий-ахлоқий жиҳатларига қўйиладиган талаблар ҳам муҳим ҳисобланишини таъкидлайди. Гувоҳ мусулмон динига эътиқод қилувчи шахс бўлиш билан бирга, унинг шахсий фазилатлари ҳам муҳим ўринга эга. Мусулмон ҳуқуқининг ўзига хос хусусияти – ундаги нормаларнинг диний-ақидавий доктринал характерга эгаллиги билан боғлиқ.

Мусулмон ҳуқуқида эркак ва аёл мақоми анъанавий мусулмон жамиятидаги роли ва функцияси билан ажралиб туради. Мусулмон ҳуқуқида гувоҳлар процессуал мақомини жинс билан боғлиқ хусусиятини ифода этади. Мусулмон ҳуқуқида айнан эркак гувоҳга аёллардан кўра кўпроқ ишонч билдирилган. Аёл гувоҳларнинг кўрсатувлари эса, доим шубҳа остида бўлган.

Муаллиф англо-саксон жиноят судловида гувоҳнинг кўрсатуви исботлашнинг асосий воситаси бўлиб ҳисобланади. Англо-саксон жиноят судловига ҳар қандай шахс гувоҳ сифатида кўрсатув бериш учун чақирилиши мумкин. Аммо, судда гувоҳ сифатида кўрсатув беришда гувоҳнинг компетентлиги муҳим саналади. Гувоҳ компетентлигининг учта мезони мавжуд: *биринчидан*, унинг атрофдаги воқеликнинг ҳолатлари ҳодисаларини идрок этиш; *иккинчидан*, эслаб қолиш; *учинчидан*, такрорлаш (баён қилиш) қобилиятидир.

Англия ва АҚШ жиноий судловида гувоҳга саволлар фақат судья ёки прокурор томонидан берилиши мумкин. Судланувчи ва унинг адвокати гувоҳларга саволларини фақат судьянинг рухсати орқали берадилар. Шунинг учун, ҳеч қандай бошқа иштирокчилар томонидан гувоҳни сўроқ қилиш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас.

Англия ва АҚШ жиноий судловида гувоҳларни кўрсатувларини келгусида далил сифатида қабул қилиш учун маълум талабларни кўяди: ҳужжатда гувоҳ шахсан ўзи биладиган маълумотлар бўлиши керак; ёзув гувоҳ томонидан хабар қилинган воқеа содир бўлган вақтда ёки воқеа унинг хотирасида ҳали тиник пайтда амалга оширилган бўлиши керак; ёзув гувоҳнинг ўзи томонидан амалга оширилган бўлиши ёки у томонидан тасдиқланган бўлиши керак (АҚШда баъзи судлар жамоавий тасдиқлашга руҳсат беради).

Тадқиқотчининг фикрича, МДХ доирасидаги аксар мустақил давлатларнинг қонунчиликларида гувоҳ тушунчаси асосан тўрт жиҳатга асосланади: 1) шахснинг жиноят иши ҳолатларига тааллуқли маълумотга эгаллиги; 2) ёхуд жиноят ишини юритувчи шахсда муайян шахс шундай маълумотга эгаллиги борасида тахминнинг мавжудлиги; 3) жиноят ишини юритаётган шахс томонидан ишга тааллуқли маълумотга эга шахснинг гувоҳ сифатида чақирилганлиги; 4) маълумотга тааллуқли шахснинг ўз ихтиёри билан кўрсатув бериш учун ҳозир бўлганлиги.

Ғ.А.Абдумажидов, Б.А.Мўминов, С.А.Саушкин, Л.И.Родевеч, В.И.Смислов, В.Н.Шпилев, А.Р.Белкин, Ю.И.Стецовский ва А.М.Ларинларнинг фикрларни жамлаб, уларнинг асосий жиҳатларига муносабат билдирадиган бўлсак, жиноят процессидаги гувоҳнинг мақоми ва унинг юридик белгиларини уч гуруҳга ажратиш мумкин: **а)** жиноят иши бўйича аниқланиши зарур бўлган ҳолат ҳақида маълумотга эгаллиги; **б)** судда, суриштирувда ёки терговда кўрсатув бериш иқтидорининг мавжудлиги; **в)** кўрсатув бериш иқтидорини бевосита амалга ошириши.

Тадқиқотчи гувоҳ тушунчасига оид ГФРда жиноят иши бўйича асосий далил тури сифатида гувоҳнинг кўрсатувлари эътироф этади. Гувоҳнинг процессуал мақомига оид қоидалар ГФР ЖПКнинг 6-бобида тартибга солинган. Унга кўра, гувоҳ – бу шахснинг ўзига нисбатан кўзғатилмаган жиноят ишига тааллуқли ҳолатлар ва ашёлар тўғрисида ўзи кўрган ва кузатган ҳолатлар асосида вужудга келадиган билимга таянган ҳолда, кўрсатув бериши мумкин бўлган шахсдир.

М.Х.Рустамбаев, У.А.Тухташевлар, Д.Б.Базарова Д.Рахимовлар каби олимлар Ўзбекистон Республикасида қўйилган асосий вазифалар, тамойиллар, концепциялар, стратегиялардан келиб чиқиб, суд-ҳуқуқ ислохотларини турли босқичларга бўлишган. Олимлар Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларни турли босқичларга хусусан: 1991-2000, 2001-2007, 2008-2016, 2016 йилдан бугунги қадар йилларни қамраб олади.

Тадқиқотчи мамлакатда олиб борилган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларни тўрт сабаб сифатида кўрсатган: буларга биринчидан, Ўзбекистон собиқ иттифоқдан ажралиб чиқиши; иккинчидан, мамлакатда сепаратизм, терроризм, конституциявий тузумга қарши жиноятлар, уюшган жиноятчиликни ривожланиши; учинчидан; халқаро ташкилотларга аъзо бўлишлик ва (ёки) халқаро декларация, пакт, конвенцияларни ратификация қилиш ҳамда давлатлараро шартномалар имзоланиши билан боғлиқ; тўртинчидан, давлатда сиёсий ўзгаришлар масалан у ёки бу президентни сайланиши билан боғлиқ.

## ХУЛОСА

Жиноят процессида гувоҳ институтининг генезиси, ҳолати ва унинг ривожлантириш истиқболлари билан боғлиқ жиҳатларини таҳлил қилиш асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

### I. Илмий-назарий хулосалар:

1. Гувоҳ институтининг генезиси - бу гувоҳнинг келиб чиқиши, тарихий ривожланиши ва ҳуқуқий мақомининг эволюцияси, оддий урф-одатлардан тортиб, гувоҳнинг иш ҳолатлари маълум бўлган шахс сифатида замонавий меъёрларгача ўрганишдир;

2. Тадқиқот давомида гувоҳ институтининг ривожланиш хусусиятларини беш босқичга ажратиш мақсадга мувофиқдир, чунончи булар: 1) табиат ва жамият муносабатлар уйғунлигини тартибга солувчи “Авесто” давридаги жиноят-судлов юритувида гувоҳлик мақомининг ўзига хос тартиби; 2) Ислом диний-ақидавий тафаккурига асосланган жиноят ишларини юритиш тартибида гувоҳ институтининг шаклланиш ва ривожланиш хусусиятларини бегиловчи босқич; 3) Чор Россияси томонидан Туркистон ўлкасининг босиб олиниши ва колониал маъмурий бошқарув тизимининг жорий этилиши натижасида мамлакат адлия тизимига кириб келган ёзма дунёвий – жиноят-процессуал ҳуқуқ нормалари асосида гувоҳларнинг мақоми, вазифалари, сўроқ қилиш тартиби ва уларга тақдим этилган кафолатлар тизимини шакллантирган ҳуқуқий манбаларга доир давр; 4) XX-асрнинг 17 йилларида юз берган давлат тўнтариши туфайли ҳокимиятни қўлга киритган большевиклар ҳокимиятининг синфий асосда яратган ва ҳуқуқий амалиётга жорий қилган жиноят-процессуал қонунчилигида гувоҳлар институтининг ўзига хос тарихий жараёнини ўз ичига олувчи давр; 5) Ўзбекистоннинг мустақилликка эришгандан кейинги даврда жиноят-судлов юритуви манбаларида гувоҳ институтининг такомиллашуви босқичи;

3. Авестонинг диний-ақидавий нормаларига мувофиқ, ишнинг муҳокамасида иштирок этаётган гувоҳлардан юксак маънавий-ахлоқий даражани намоён қилиш талаб этиларди. Айёрлик, жоҳиллик, бўҳтон, тухмат қилиш, ҳақиқатни яшириш, шуҳратпарастлик ва шахсий манфаат кетидан қувиш каби хислатлар гувоҳ сифатида ишда иштирок этишга монелик қиладиган ҳолатлар сифатида кўрилар, ҳақиқатни сўзловчи, тўғрисиўз шахслар эса, гувоҳликнинг энг ижобий кўриниши сифатида баҳоланарди.

4. Мусулмон ҳуқуқида гувоҳнинг мақоми ҳақида шаклланган таълимотнинг умумий қирраларини белгилайдиган бўлсак, аввал таъкидлаб ўтилганидек, у диний-ақидавий доктринал пойдеворга эгаллигини таъкидлаш лозим. Шу боис, жиноят ишларини судда юритишда гувоҳ эга бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳам бевосита илоҳий кўрсатмалар ва эътиқод қоидаларига асосланганди. Судда муҳокама қилинаётган ишнинг ҳолатлари бўйича муайян ахборотга эга бўлган ҳар бир шахс Аллоҳнинг азобига дучор бўлиш кўркуви остида гувоҳлик беришлари, судда фақат рост гапиришлари, ёлғон кўрсатув беришдан тийилишлари зарур саналарди.

5. Суд устави гувоҳларнинг процессуал мақомини белгилашда икки муҳим хусусиятга асосланган эди. *Биринчиси*, гувоҳ – бу жиноят ишига тааллуқли ҳолатлар юзасидан муайян ахборотга эга бўлган шахс (яъни ахборотни сақловчи); *иккинчиси*, гувоҳ – бу ишни ҳал қилиш учун зарур бўлган асосий далил.

6. 1922 йилдаги тарихимизда жиноят процессидаги гувоҳ институтининг ривожланиш хусусиятларини ўрганиш қўйидаги хулосаларни билдиришга асос беради: 1) гувоҳ – бу жиноят ҳолатлари бўйича муайян маълумотга эга бўлган шахс; 2) гувоҳ жиноят ишига доимо суриштирувчи, терговчи ва суднинг чақирувига асосан ёки ўз ихтиёрига биноан жалб қилиниши мумкин; 3) гувоҳнинг жиноят ишини юритувчи шахслар томонидан расмийлаштирилган кўрсатувлари исботлаш фаолиятининг муҳим объекти ҳисобланади; 4) гувоҳнинг кўрсатувлари у томонидан жиноят ишига алоқадор ҳолатларни субъектив англаш иқтидорини намоён қилади; 5) шундай бўлсада, гувоҳ ҳар бир жиноят ишининг муҳим иштирокчиси сифатида эътироф этилади; 6) шу боис, гувоҳнинг кўрсатувлари жиноят ишини ҳал қилувчи – суд томонидан баҳоланади; 7) гувоҳнинг икки муҳим белгиси мавжуд, бири – унинг шахси, иккинчиси – иш бўйича у эга бўлган маълумот; 8) шу сабабли ушбу ҳолатлардан бири гувоҳни жиноят процессига жалб этиш чегарасини ўрнатишга асос бўлиши мумкин.

7. 1959 йилда қабул қилинган ва амалиётга жорий этилган янги ва совет ҳукуматининг сўнги ЖПК ўзидан олдинги қонунлардан асосан жиноят-процессуал муносабатларнинг прокурор назорати остида кечиши ҳамда жиноят ишларининг фақат суд томонидан кўриб чиқилиши ва ҳал қилиниши каби қоидаларнинг ўрнатилганлиги билан фарқланади.

8. Шоҳона гувоҳ – бу жиноят содир этган шахс бўлиб, жавобгарликдан озод бўлиш ёки енгиллаштириш мақсадида оғир жиноятларни олдини олиш, уларни аниқлаш ва уларга барҳам бериш ҳамда жиноят содир этган шахсларни қўлга тушириш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга кўрсатув берган шахс ҳисобланади.

9. Ўзбекистонда гувоҳ мақоми билан боғлиқ суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар турли муаммолар, масалалар ёхуд мамлакатда ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар туфайли амалга оширилган дейиш ҳам тўғрироқ бўлади. Мамлакатда давом этаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларни тўрт сабаб сифатида кўрсатишимиз мумкин: буларга **биринчидан**, Ўзбекистон собиқ иттифокдан ажралиб чиқиши (1990-1994 йиллар); **иккинчидан**, мамлакатда сепаратизм, терроризм, конституциявий тузумга қарши жиноятлар, уюшган жиноятчиликни ривожланиши (1991-1999 йиллар); **учинчидан**; халқаро ташкилотларга аъзо бўлишлик ва (ёки) халқаро декларация, пакт, конвенцияларни ратификация қилиш ҳамда давлатлараро шартномалар имзоланиши билан боғлиқ (1992-2008 йиллар); **тўртинчидан**, давлатда сиёсий ўзгаришлар масалан у еки бу президентни сайланиши билан боғлиқ (2016 йил).

10. Мусулмон ҳуқуқида гувоҳ тушунчаси – бу а) *муайян ҳодисанинг бевосита шоҳиди бўлган ёхуд муайян ҳолат юзасидан маълумотга эга*; б)

*жисмоний-руҳий жиҳатдан ҳодисани эслаб қолиш* (демак англаш қобилиятига эга бўлган); в) *ҳодисага оид ҳолатларни етказиб бара олиш* (яъни маълумотни ҳаққоний баён қилиб бера олиш) *иқтидорига эга бўлган процессуал-ҳуқуқий мақомдаги шахсдир*. Ушбу тушунчани замонавий илмий-ҳуқуқий тилга кўчирадиган бўлсак, гувоҳ – бу иш учун аҳамиятли маълумотга эга бўлган, ҳолатларни тўғри ва асосли англай олиш ҳамда тўғри ва тўлиқ етказиб бериш иқтидорига эга шахсдир.

11. Гувоҳ мақомининг ижтимоий асосларига келадиган бўлсак, у куйидаги мезонларни назарда тутарди: а) гувоҳ сифатида эркакларни жалб қилиш зарурияти; б) аёлларнинг фақат зарурият туфайли гувоҳликка жалб қилиниши; в) гувоҳ сифатида фақат мусулмон динига эътиқод қилувчи шахсларнинг жалб қилиниши; г) мусулмон динига мансуб шахсларнинг барча ижтимоий-этник гуруҳларнинг ишларида гувоҳ сифатида иштирок этиши мумкинлиги; д) қулнинг, айрим ҳоллардан ташқари, гувоҳ сифатида суд муҳокамасида иштирок этиш ҳуқуқининг мавжуд эмаслиги; е) ғайридинга мансуб шахсларнинг мусулмонлар иштирокидаги ишларда иштирок этишига йўл қўйилмаслиги; ё) ҳуқуқий ва жисмоний лаёқатга эга бўлмаган шахсларни гувоҳ сифатида суддаги иштирокининг чекланганлиги.

12. Гувоҳ исботлаш субъекти бўлиб, бу, аввало жиноят ишларини юритишда гувоҳ амалга оширадиган фаолият билан боғлиқ. Зотан гувоҳнинг кўрсатувлари жиноят процессида исбот қилишнинг муҳим элементларидан бири ҳисобланиб, у эга бўлган маълумотлар айблаш ёки айбни инкор қилиш, тергов тусмолларини илгари суриш, тергов ҳаракатларининг тактик усулларини аниқлаш ва умуман ишни адолатли ҳал қилиш учун устувор аҳамиятга эгадир.

13. Жиноят ишига жалб қилинган шахсларнинг кўрсатувларини олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш – бу судга қадар иш юритиш ёки суд муҳокамаси босқичида гувоҳни, жабрланувчини ёки айбланувчини (фуқаровий даъвогарни) бирининг илтимосига кўра, тергов судьяси (судья) томонидан далилларини олдиндан таъминлаш (сақлаш) мақсадида сўроқ қилишдир. Бу ўз навбатида объектив сабабларга кўра, кейинчалик суд муҳокамаси давомида ушбу жиноят процесси иштирокчиларини сўроқ қилиш мумкин бўлмай қолади ёки уларнинг хавфсизлигини таъминлаш зарурати юзага келади деган тахмин қилиш учун асослар мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилади.

14. Гувоҳнинг мажбурияти – иш бўйича холис (манфаатдор бўлмаган) томон бўлиб, терговчининг, суриштирувчининг ёки суднинг кўрсатмаларини бажариш билан боғлиқдир.

15. Англо-саксон жиноят судловида “компетентли гувоҳ” ибораси кенг ва тор маънода гувоҳлик бера оладиган шахс тушунилади. Кенг маънода гувоҳнинг компетенти деганда, шахснинг атрофдаги ҳодисаларни, воқеаларни тўғри идрок этиш, эслаш ва улар ҳақида (маълумотлар ҳақида баён) гувоҳлик бериш қобилияти тушунилади. Тор маънода гувоҳнинг компетенти деганда маълум бир ишда, маълум масалалар бўйича (эр-хотин бир-бирига гувоҳ сифатида кўрсатув бера олмаслик), маълум кўрсатувларни бериш қобилиятини англатади.

16. Роман-герман ҳуқуқ оиласида гувоҳ – бу шахснинг ўзига нисбатан кўзгатилмаган жиноят ишига тааллуқли ҳолатлар ва ашёлар тўғрисида ўзи кўрган ва кузатган ҳолатлар асосида вужудга келадиган билимга таянган ҳолда, кўрсатув бериши мумкин бўлган шахсдир.

## **II. Қонунчилик нормаларини такомиллаштиришга йўналтирилган таклиф ва тавсиялар:**

1. ЖПК 17-моддаси иккинчи қисмига қуйидаги мазмунда тўлдириш таклиф этилади:

**“Суриштирувчи, терговчи ва суднинг сўроқ қилиш жараёнидаги саволлари ахлоқ нормаларига мувофиқ бўлиши керак”.**

2. ЖПК янги 65<sup>1</sup>-моддаси сифатида киритиш таклиф этилади:

### **“65<sup>1</sup>-модда. Шоҳид**

Шоҳид – жиноятга оид ариза, хабарни текшириш учун аҳамиятли бўлган фактик маълумотларга эга ёки шундай маълумотларга эгаллиги ҳақида ариза ва хабарни текшираётган мансабдор шахсга маълум бўлган шахсдир.

Шоҳид: адвокатнинг юридик ёрдамидан фойдаланиш; терговга қадар текширувга оид ҳаракатларда адвокат билан бирга иштирок этиш; ўз она тилида тушунтиришлар бериш ва таржимон хизматидан фойдаланиш; жиноятга оид маълумотларни тақдим этиш; тушунтириш хатини ўз қўли билан ёзиб бериш; ўзига ва яқин қариндошларига қарши тушунтириш бермаслик; терговга қадар текширув баённомалари ва бошқа ҳужжатлар билан танишиш, улардан нусхалар олиш; ушбу Кодекснинг 270-моддасида назарда тутилган хавфсизлик чораларини қўллаш тўғрисида илтимоснома киритиш; ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун, тезкор-қидирув фаолиятини ва терговга қадар текширув органлар мансабдор шахсларининг, суриштирувчининг, ва терговчининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ҳамда қарорлари устидан шикоятлар келтириш ҳуқуқига эга.

Шоҳид жиноятга оид ариза ва хабарни текширувчи мансабдор шахснинг чақирувига биноан ҳозир бўлиши; ариза, хабардаги ҳолатлар бўйича ўзига маълум барча фактлар ҳақида ҳаққоний сўзлаб бериши; берилган саволларга жавоб қайтариши; иш ариза, хабардаги ҳолатлар бўйича ўзига маълум бўлган маълумотларни тушунтириб бериш ёки тушунтириш олувчининг рухсатсиз ошкор этмаслиги; ишнинг тезкор-тергови ва суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиши шарт.

Шоҳид чақирувга узрсиз сабабга кўра келмаган тақдирда, ушбу Кодекснинг 261 — 264-моддаларида назарда тутилган тартибда мажбурий равишда олиб келиниши мумкин.

Шоҳид тушунтириш беришдан бош тортганлик, шунингдек била туриб ёлғон тушунтириш берганлик учун қонунда белгиланган тарзда жавобгар бўлади;

3. Жиноят-процессуал кодексининг 65-моддаси биринчи қисмини қуйидаги таҳрирда баён этиш таклиф этилади:

*“Жиноят ишини тергов қилиш ва ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган бирор-бир ҳолатлар ўзига маълум бўлиши мумкин бўлган ва кўрсатув бериши*

учун чақирилган шахс гувоҳ ҳисобланади, ушбу Кодекснинг 115-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно”;

4. Жиноят-процессуал кодексининг 97-моддаси биринчи қисмига тегишли кўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқ:

**“Шоҳид, жиноятдан жабр кўрган, гумон остидаги шахс, гувоҳ, жабрланувчи, шунингдек озодликда юрган гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи суриштирувчига, терговчига, прокурорга ва судга чақирув қозоғи билан чақирилади”;**

5. ЖПК 119-моддаси биринчи қисмига куйидаги мазмунда тўлдириш таклиф этилади:

**“Гувоҳ ва жабрланувчига хавфсизлик чоралари қўлланилгунга қадар улар кўрсатув бермасликка ҳақли”.**

6. ЖПК 121<sup>2</sup>-моддаси биринчи қисмига куйидаги мазмунда тўлдириш тавсия этилади:

**“Гувоҳни, жабрланувчини, гумон қилинувчини, айбланувчини (фуқаровий даъвогарни) объектив сабабларга кўра (Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқиб кетиши ёки яшаши, уларда жиноят ишини юритишда иштирок этишини истисно қиладиган оғир ва давомли касаллик мавжудлиги, моддий аҳволи, хавфсизлик чораларини қўллаш зарурати ёхуд далилларни йўқотилишини олдини олиш) ишни судга қадар юритиш ёки суд муҳокамаси чоғида кейинчалик сўроқ қилиш мумкин бўлмай қолади деб тахмин қилиш учун асослар мавжуд бўлган ҳолларда, уларнинг кўрсатувлари олдиндан мустаҳкамлаб қўйилиши мумкин”.**

7. ЖПК 121<sup>2</sup>-моддаси учинчи қисмига куйидаги мазмунда тўлдириш тавсия этилади:

**“Жабрланувчи, гувоҳ ночор аҳволда бўлганлиги, айбланувчига қарам бўлганлиги туфайли ёки бошқа сабабларга кўра ўз ҳуқуқини ва қонуний манфаатларини ўзи ҳимоя қила олмайдиган алоҳида ҳолларда прокурор, суриштирувчи, терговчи жабрланувчининг, гувоҳнинг илтимосномасиз судга мурожаат қилиши мумкин”.**

8. ЖПК 261-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларига куйидагича тўлдириш таклиф этилади:

**“Жиноят ишини юритиш муносабати билан терговга қадар текиширув ва тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд томонидан белгиланган тартибда чақирилган шахслар айнан кўрсатилган кунда, вақтда ва жойда ҳозир бўлишлари шарт. Мазкур Кодекс 165-моддасида кўрсатилган шахслар бундан мустасно. Фақат уларнинг илтимоси ва розилиги билан сўроқ қилиш учун чақирилишлари мумкин.**

**Вояга етмаган гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг чақирув бўйича белгиланган муддатда ҳозир бўлиши қонуний вакиллар томонидан таъминланади”.**

9. ЖПК янги 261<sup>1</sup>-моддаси билан тўлдириш таклиф этилади:

**“261<sup>1</sup>-модда. Чақирувга биноан ҳозир бўлишдаги узрли сабаблар**

Қуйидагилар узрли сабаблар деб эътироф этилади: шахсни келиш имкониятидан маҳрум қиладиган касаллик; жисмоний нуқсони; яқин қариндошлари, оила аъзоларининг вафоти; табиий офатлар; чақирув қоғози олмаганлиги ёки ўз вақтида олмаганлиги; узоқ манзилда ёки чет элда яшаши; шахсни белгиланган муддатда ҳозир бўлиш имкониятидан маҳрум этадиган бошқа ҳолатлар.

Гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи, гувоҳ чақирув бўйича белгиланган муддатда ҳозир бўлишга тўсқинлик қилувчи узрли сабаблар мавжудлиги тўғрисида ўзлари чақирилган органни хабардор қилиши шарт.

Мажбурий келтириш тунги вақтда амалга оширилиши мумкин эмас, кечиктириб бўлмайдиган ҳоллар бундан мустасно.

16 ёшгача бўлган вояга етмаганлар, ҳомиладор аёллар, шунингдек соғлиғининг ҳолатига кўра турган жойини тарк эта олмайдиган ёки тарк этиши мумкин бўлмаган беморлар келтирилиши мумкин эмас”.

### **III. Ҳуқуқни қўллаш амалиётини ривожлантиришга қаратилган тавсиялар:**

1. Тергов ва судлар томонидан ёлғон гувоҳлик учун гувоҳларни жиноий жавобгарликка тортиш масаласини кўриб чиқишда гувоҳларни нафақат била туриб ёлғон гувоҳлик бериш ёки бўйин товлаганлик учун жиноий жавобгарлик келтириб чиқаришини балки гувоҳ сўроқ пайтида жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун аҳамиятга эга бўлган маълумотларни қасддан хабар қилмаган, яширган тақдирда ҳам била туриб ёлғон кўрсатув берганлик учун жиноий жавобгарликка тортилиши мумкинлигини инобатга олишлари зарур. Шунингдек, терговчи, суд агар гувоҳларга ва унинг яқинлари ҳаёти, соғлиғига таҳдид бўлган ва бу била туриб ёлғон кўрсатув беришга сабаб бўлган бўлса, уни Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексининг 238-моддаси бўйича жиноий жавобгарликка тортилмаслиги лозим.

2. Гувоҳнинг қонуний асосда кўрсатув беришдан бош тортиш ҳуқуқига эга эканлиги уни ҳозир бўлиш мажбуриятидан озод қилмайди. Терговчи ёки суд гувоҳларнинг узрли сабабларини текширишлари лозим. Гувоҳ бир қатор ҳолларда кўрсатув беришдан бош тортиш ҳуқуқи сўроқнинг бутун предметига татбиқ этилмайди, балки фақат айрим (шаъни, қадр-қимматини камситадиган, шахсий оилавий сирлари) саволларга жавоб бермаслик ҳуқуқини беради.

3. Гувоҳга нисбатан процессуал мажбурлов чораси сифатида мажбурий келтириш фақат гувоҳ сўроққа келиш мажбуриятидан қасддан бўйин товлаётгани тўғри аниқланган ва гувоҳ сўроққа тегишли тарзда чақирилган ҳоллардагина қўлланилиши мумкинлигини назарда тутмоқ лозим.

4. Кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаш учун фактик асос мавжуд бўлганда яъни шахсни оғир хасталиги (шифокорнинг хулосаларини иш материалларига илова қилиш лозим), таҳдид мавжуд бўлганда (иш материалларига видео ва аудио ёзувларни илова қилиш лозим) уни **сайёр** ёки **масофавий** сўроқ қилиниши мумкин.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 24/2026.31.01.Yu.01.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ПРАВООХРАНИТЕЛЬНОЙ  
АКАДЕМИИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

---

**АКАДЕМИЯ ПРАВОСУДИЯ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**ПУЛАТОВ АЗИЗХОН САИДАКБАРОВИЧ**

**ГЕНЕЗИС, СОСТОЯНИЕ И ВОЗМОЖНОСТИ РАЗВИТИЯ  
ИНСТИТУТА СВИДЕТЕЛЯ В УГОЛОВНОМ ПРОЦЕССЕ**

12.00.09 – Уголовный процесс. Криминалистика,  
оперативно-розыскное право и судебная экспертиза

**АВТОРЕФЕРАТ**  
диссертации доктора юридических наук (Doctor of Science in Law)

**Ташкент – 2026**

**Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Академии наук Республики Узбекистан за № B2024.1.DSc/Yu301.**

Диссертационная работа выполнена в Академии правосудия Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) на веб-сайте Научного совета ([www.proacademy.uz](http://www.proacademy.uz)) и Информационно-образовательном Портале «Ziynet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный консультант:**

**Мухитдинов Фахритдин Мухитдинович**  
доктор юридических наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Тулаганова Гулчехра Захитовна**  
доктор юридических наук, профессор

**Астанов Истам Рустамович**  
доктор юридических наук, профессор

**Баракаев Лазизжон Отакулович**  
доктор юридических наук

**Ведущая организация:**

**Академия Министерства внутренних дел  
Республики Узбекистан**

Защита диссертации состоится 02 июля 2026 года в 10:00 на заседании Научного совета DSc.24/2026.31.01.Yu.01.02 при Правоохранительной академии Республики Узбекистан. (Адрес: 100047, г.Ташкент, Юнусабадский район, улица Рихсилий, 9. Тел.: (+99871) 202-04-96; e-mail: [info@proacademy.uz](mailto:info@proacademy.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Правоохранительной академии Республики Узбекистан (зарегистрировано за № 84). (Адрес: 100047, г.Ташкент, Юнусабадский район, улица Рихсилий, 9, e-mail: [info@proacademy.uz](mailto:info@proacademy.uz)).

Автореферат диссертации разослан 16 июня 2026 года.  
(протокол реестра № 02 от 16 июня 2026 года).

**В.Каримов**

Председатель Научного совета по  
присуждению ученых степеней, доктор  
юридических наук, профессор

**Ш.И.Шайзаков**

Ученый секретарь Научного совета по  
присуждению ученых степеней, доктор  
философии по юридическим наукам  
(PhD), доцент

**Г.М.Шодиев**

Председатель Научного семинара при  
Научном совете по присуждению  
ученых степеней, доктор юридических  
наук, доцент

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской (DSc) диссертации)

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире уделяется серьезное внимание вопросам разработки государственных программ и принятия мер безопасности в целях защиты прав и законных интересов свидетелей, являющихся важными участниками уголовного процесса, поскольку показания свидетелей являются одним из важных и достоверных источников доказательств в борьбе с преступными и коррупционными структурами. В соответствии со статьей 12 «Международной конвенции для защиты всех лиц от насильственных исчезновений» ООН, в необходимых случаях государства обязаны принимать соответствующие меры для обеспечения защиты заявителей, свидетелей, родственников насильственно исчезнувшего лица и их защитников, а также лиц, участвующих в расследовании, от любых форм противоправного обращения или любого запугивания, связанных с фактом подачи жалобы или дачи тех или иных показаний<sup>1</sup>. Согласно докладу организации Human Rights Watch за 2025 год, «Ежегодно тысячи людей сообщают о нарушениях принадлежащих им прав и свобод вследствие злоупотреблений со стороны государственных органов и их должностных лиц или неэффективно организованного управления, и в связи с борьбой против этого были даны рекомендации по изменению системы государственного управления и законодательства около 100 государств-участников»<sup>2</sup>. В связи с этим возникает необходимость совершенствования законодательства по защите прав и свобод, а также законных интересов свидетелей, участвующих в уголовном судопроизводстве, и их близких.

В мире разрабатываются программы, направленные на усиление защиты свидетелей в досудебном расследовании и судебных процессах, расширение их прав (адвокатская помощь, возмещение ущерба) и уточнение обязанностей, особенно по сложным делам (например, при участии в организованной преступности и преступных сообществах), а также на недопущение превращения свидетелей в обвиняемых и защиту их от угроз и давления, что свидетельствует о необходимости проведения научных исследований по повышению эффективности справедливого судопроизводства и уделению серьезного внимания совершенствованию законодательства.

В нашей республике обеспечивается объективность свидетелей по делу, свидетели дают правдивые показания, однако обладают правом не свидетельствовать против себя и близких. Суды и органы предварительного следствия стремятся обеспечить беспристрастность свидетелей, исключают показания, основанные на предположениях, и предупреждают об уголовной ответственности за лжесвидетельство и клевету. Это должно обеспечиваться посредством процессуальных норм и государственных органов. Данный

---

<sup>1</sup> «Международная конвенция для защиты всех лиц от насильственных исчезновений». Принята резолюцией 61/177 Генеральной Ассамблеи от 20 декабря 2006 года.

<sup>2</sup> <https://www.hrw.org/world-report/2025>

вопрос входит в число актуальных проблем уголовно-процессуального права всех государств, независимо от принадлежности к семьям уголовно-процессуального права и степени социально-правового развития. В частности, в статью 28 Конституции Республики Узбекистан в новой редакции была введена норма: «Никто не обязан свидетельствовать против себя самого и близких родственников». Указанные вопросы также предусматривают усиление ответственности за лжесвидетельство и ложный донос в Указе Президента Республики Узбекистан «О дополнительных мерах по усилению гарантий прав и свобод граждан в судебно-следственной деятельности» от 30 ноября 2017 года № УП-5268<sup>1</sup>. Кроме того, в Постановлении Президента Республики Узбекистан «О мерах по кардинальному совершенствованию системы уголовного и уголовно-процессуального законодательства» от 14 мая 2018 года № ПП-3723 были поставлены приоритетные задачи по защите свидетелей<sup>2</sup>. Согласно статистическим данным Верховного суда, количество лиц, привлеченных к ответственности за лжесвидетельство, составило: в 2021 году – 72, в 2022 году – 93, в 2023 году – 89, в 2024 году – 66, в третьем квартале 2025 года – 53 лица<sup>3</sup>. Между тем, за последние пять лет количество реабилитированных лиц составляет более трех тысяч. Исходя из данной ситуации, существует несоразмерность между реабилитированными лицами и лицами, привлеченными к ответственности за лжесвидетельство. Кроме того, из рассмотренных 236 уголовных дел в 117 случаях дознаватель в обвинительном акте, в 64 делах следователь при составлении обвинительного заключения использовали показания обвиняемых лиц в качестве доказательств. По 52 уголовным делам показания обвиняемых были признаны судом недопустимыми доказательствами<sup>4</sup>. Именно эти данные показывают, что тема исследования имеет важное научное и практическое значение. В связи с этим анализ на уровне диссертации проблем, касающихся процессуально-правового статуса свидетелей по теме, реализации их прав и исполнения обязанностей, процессуального обеспечения их безопасности, свидетельствует об актуальности данного вопроса.

Настоящее диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, установленных в Конституции Республики Узбекистан в новой редакции (2023), Уголовно-процессуальном кодексе Республики Узбекистан (1994), Указах Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему реформированию судебной системы, усилению гарантий надежной защиты прав и свобод граждан» (2016), «О мерах по коренному совершенствованию системы уголовного и уголовно-процессуального законодательства» (2018), «О мерах по дальнейшему усилению гарантий защиты прав и свобод личности в судебной следственной

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан «О дополнительных мерах по усилению гарантий прав и свобод граждан в судебной следственной деятельности» от 30 ноября 2017 года № УП-5268.

<sup>2</sup> Постановление Президента Республики Узбекистан «О мерах по кардинальному совершенствованию системы уголовного и уголовно-процессуального законодательства» от 14 мая 2018 года № ПП-3723.

<sup>3</sup> <https://stat.sud.uz/assets/uploads/criminal/pdf/criminal-2025-full.pdf>

<sup>4</sup> См. приложение № 2 диссертации.

деятельности» (2020), «О Государственной программе по реализации Стратегии «Узбекистан – 2030» в «Год охраны окружающей среды и «зеленой экономики»» (2025), и других законодательных актах по теме.

**Связь исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики.** Данная диссертация выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. «Формирование системы инновационных идей и способов их реализации в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовном и образовательном развитии информированного общества и демократического государства».

**Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации<sup>1</sup>.** Научные исследования по совершенствованию отношений, связанных со специфическими особенностями института и статуса свидетеля в уголовном процессе, проводятся в ведущих научных центрах и университетах мира, и достигнуты следующие научные результаты: проведены исследования по вопросам значения совершенствования уголовно-процессуального законодательства по обеспечению безопасности свидетелей, участвующих в уголовных делах, Управлением ООН по наркотикам и преступности (UNODC), доказана важность помощи потерпевшим и защиты свидетелей (UN), обоснована значимость защиты свидетелей для установления истины в международных судах (ICTY, ICTR, ICC), доказана разработка системы поддержки свидетелей и жертв (UNDP), в Lund University (Швеция), Vrije Universiteit Amsterdam (Нидерланды), Саратовской государственной юридической академии (Россия), Западно-Казахстанском инновационно-технологическом университете (Казахстан); Московском государственном университете (РФ), Ташкентском государственном юридическом университете, Академии Министерства внутренних дел, Университете общественной безопасности и других научных и высших учебных заведениях.

В настоящее время в мире проводятся исследования по следующим приоритетным направлениям, касающимся правового статуса свидетеля: обеспечение безопасности свидетелей при производстве по уголовным делам; обеспечение достоверности показаний свидетелей в судебном процессе; компетентность свидетеля; процессуальные привилегии, предоставляемые свидетелю; участие представителя, педагога и психолога в делах, связанных с несовершеннолетними свидетелями; допрос свидетелей; вопросы конфиденциальности в делах, связанных с псевдонимами; оказание юридической помощи свидетелям; организация судебно-следственной деятельности в соответствии с международными стандартами для обеспечения показаний свидетелей; проанализированы вопросы

---

<sup>1</sup> Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации освещен на основе следующих источников: <https://www.legal-tools.org/>, <https://crimereasearch.org>, <https://ink.library.smu.edu.sg>; <https://www.researchgate.net>; <https://www.unodc.org/unodc/en/organized-crime/witness-protection.html>; <https://doi.org/10.18287/2542-047X-2022-8-2-82-87>; <https://www.topuniversities.com/universities/lund-university>; <https://www.topuniversities.com/universities/vrije-universiteit-amsterdam>; <https://ssla.ru/>; <https://wkitu.kz/ru/>; <https://files.acquia.undp.org/public/migration/eurasia/UNDP-CROATIA-Witness-and-Victim> и других источников.

материальной поддержки свидетелей и разработаны предложения по её совершенствованию.

